

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

УЗБЕКОВА НЕЛЛИ РАФИКОВНА

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМ ПАТОГЕНЕЗИНИНГ
НЕЙРОГУМОРАЛ МЕХАНИЗМИ ВА ТЕРАПЕВТИК
КОРРЕКЦИЯЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Узбекова Нелли Рафиковна

Метаболик синдром патогенезининг нейрогуморал
механизми ва терапевтик коррекциялаш йўллари 3

Узбекова Нелли Рафиковна

Нейрогуморальные механизмы патогенеза
метаболического синдрома и пути терапевтической
коррекции 29

Uzbekova Nelly

Neurohumoral mechanisms of the pathogenesis of the
metabolic syndrome and ways of their therapeutic
correction..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

УЗБЕКОВА НЕЛЛИ РАФИКОВНА

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМ ПАТОГЕНЕЗИНИНГ
НЕЙРОГУМОРАЛ МЕХАНИЗМИ ВА ТЕРАПЕВТИК
КОРРЕКЦИЯЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib3 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг www.tma.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Хужамбердиев Мамазаир**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Shela Gorinstein**
doctor of medical science, professor,
The Hebrew University (Исроил)

Каюмов Улугбек Каримович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хамраев Абдор Асрарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Олий таълимнинг Федерал давлат бюджет таълим муассасаси «А. И. Евдокимов номидаги Москва давлат тиббий-стоматология университети» (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Докторлик (DSc) диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

Б.Х. Шагазатова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,
т.ф.д., профессор

А.Л. Аляви
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотига кўра, кейинги йилларда аҳоли ўртасида метаболик синдромнинг (МС) кенг тарқалиши ва бунинг оқибатида ўлим даражасининг ортиб бориши глобал тиббий муаммолардан бирига айланиб бормоқда. ЖССТ экспертлари башоратига кўра 2025 йилга келиб МС қайд этилган беморлар сони 500 млн. кишидан ортиши мумкин. Мазкур муаммонинг долзарблиги нафақат қимматбаҳо дори-дармонларга сарфланадиган иқтисодий зарарда, балки ушбу касалликка чалинган беморларнинг меҳнат қобилияти йўқолиши ҳамда ўлимида кўрилади. Шу сабабли БМТ барча аъзо давлатларига «сурункали ноинфекцион касалликлар профилактикаси, даволаш ҳамда олдини олиш бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни соғлиқни сақлаш тизимида давлат дастурлари таркибига киритиш» таклифини бермоқда¹.

Республикамызда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб инсон саломатлигини асраш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар юзасидан ижобий натижаларга эришилди. Амалга оширилган тадбирларнинг натижасига кўра «аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва касалликларнинг олдини олиш, жумладан, артериал гипертония (АГ), қандли диабет (КД), дислипидемия (ДЛП)га чалинган беморларни ўз вақтида аниқлаб, эрта ташхислаш ва уни тезкор профилактика қилиш бўйича муайян даражадаги илмий ва амалий ютуқларга эришилди»².

Дунё миқёсида метаболик синдромининг клиник компонентларини оптимал даволаш ва олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш эътиборлидир. Шу сабабли МС бошқарувнинг нейрогуморал, вегетатив, яллиғланувчи омиллари билан намоён бўлган патогенетик ўзаро боғлиқлик аспектларининг қайд этилиши дифференциялашган терапияни янада мақбуллаштириш талаб этилмоқда. Юрак қон-томир ремоделланиш жараёнининг инсулинемиянинг прооксидант аҳамияти билан ўзаро боғлиқлигини аниқлашга йўналтирилган комплекс изланишларни олиб бориш, шунингдек, метаболик синдром оқибатида юзага келадиган бузилишларнинг босқичли эрта ташхисот мезонларини янада такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПҚ – 3923-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги» Фармони ва 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ – 1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹ Шестакова М.В., Бутрова С.А., Сухарева О.Ю. Метаболический синдром. как предвестник развития сахарного диабета 2 типа и сердечно-сосудистых заболеваний // Тер. архив. – Москва, 2007. – №10. – С.5-8.

² <http://www.minzdrav.uz/documentation/detail.php>

вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Метаболик синдром ва у билан боғлиқ касалликларни эрта ташхислаш, мазкур синдром асоратларининг ривожланишида нейрогуморал ва эндокрин тизим ҳолатини аниқлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Cardiovascular Research Center, National Heart, Lung and Blood Institute, International Atherosclerosis Society, American Heart Association (АҚШ), World Heart Federation (Швейцария), International Association for the Study of Obesity (Италия), International Diabetic Federation (Бельгия), UK Prospective Diabetes Study Group (Буюк Британия), Россия кардиология илмий-ишлаб чиқариш комплекси, Федерал эндокринологик илмий марказ (Россия Федерацияси), Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент тиббиёт академияси, Андижон тиббиёт институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Метаболик синдромнинг клиник хусусиятлари ва асосий патогенетик механизмларини аниқлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: метаболик синдром патогенезининг бирламчи бўғини абдоминал семизлик (АС), инсулинрезистентлик (ИР) кўрсаткичларининг ўзгариши ва липид алмашинувининг бузилиши ҳолатлари аниқланган (National Heart, Lung and Blood Institute, STOP-NIDDM Trial Research Group, International Atherosclerosis Society (АҚШ); метаболик синдром ривожланишининг генетик омиллари асосланган (American College of Endocrinology; метаболик синдромнинг ривожланиши ва жадалланишида эндотелий дисфункцияси маркерларининг таъсири аниқланган (American College of Cardiology; хасталикнинг прогнози ва кечиши даражасини белгиловчи ассоциацияланган жараёнлар аниқланган (American Heart Association, World Heart Federation); мазкур патологияларнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикаси бўйича замонавий усуллар ишлаб чиқилган (STELLAR Study Group, JUPITER Investigation, NAVIGATOR Study Group (АҚШ).

Дунёда метаболик синдромни эрта ташхислашни мақбуллаштириш ва даволашни тўғри ташкил этиш бўйича қатор устувор йўналишларда қуйидаги тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: лептин- ва

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.nhlbi.nih.gov>; <http://www.heart.org>; <http://www.world-heart-federation.org>; <http://www.athero.org>; <http://www.sio-obesita.org>; <http://www.idf.org>; <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC2014359>; <http://cvrc.massgeneral.org/>; <http://www.cardioweb.ru>; <https://www.endocrincentr.ru>; <http://www.cardiocenter.uz>; <https://www.minzdrav.uz/agencies/details.php?ID=19345>; <http://tma.uz/ru/>; <http://jamanetwork.com/journals/jama/fullarticle/196993>; <https://www.aace.com/college>; <http://www.acc.org>; http://sphweb.bumc.bu.edu/otlt/MPH-Modules/EP/EP713_CohortStudies/Ridker_Crestor_CRP.pdf; <https://ira.le.ac.uk/bitstream/2381/21817/1/nejmoa1001121.pdf>; <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed/15670545>; <http://www.adti.uz>.

инсулинрезистентликни, адренергик дисбалансни, эндоплазматик стрессни, эндотелиал дисфункция ва юрак ремоделланишининг эрта ташхислаш усулларини оптималлаштириш; молекуляр-генетик ўзгаришлар ташхисининг замонавий усулларини ишлаб чиқиш; сартанлар, имидазолин рецепторлари блокаторлари, статинлар ёрдамида терапия тартибини мақбуллаштириш билан самарали даволаш усулларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. X синдромининг америкалик терапевт G. Reaven томонидан таърифланганидан буён 29 йил давомида MC муаммоси олимларда катта қизиқиш уйғотган ва қатор хорижлик олимлар томонидан метаболик синдром муаммоси юзасидан илмий изланишлар амалга оширилган (A. Abe, 2010; K.G. Alberti, R.H. Eckel, S.M. Grundy, 2009; N. Santoro, 2012). Бугунги кунда MC муаммосига бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилсада, MC патогенези, ташхиси ва даволашига оид бир қатор масалалар ечими топилмаган. Бу, бир томондан, MC асосий компонентларининг шаклланиш механизмларининг тўлиқ аниқланмаганига, бошқа томондан, эрта ташхислашнинг объектив қийинчиликлари мавжудлигига боғлиқ (E.A. Chubenko, 2009; S. Mottillo, 2010; И.Н. Бокарев, 2014; С.А. Бутрова, И.Е. Чазова, 2008).

Етакчи мутахассис-олимлар (R.K. Simmons, 2010; B. Strasser, 2013; И.И. Дедов, М.В. Шестакова, 2014; М.Н. Мамедов, 2011) фикрларига кўра, MC ривожланиши механизмининг бирламчи бўғини тўлиқ аниқланмаган. MC ривожланишида нейрогуморал омиллар (E.D. Abel, 2012; K.P. Zak, 2010), носпецифик яллиғланиш, у билан боғлиқ метаболик ва таркибий функционал бузилишлар қандай аҳамиятга эга эканлиги, комплекс даволашнинг таъсирида мазкур жараёнларнинг қай даражада қайта тикланиши каби муаммоларни изчил кўриб чиқиш талаб этилади (L. Landsberg, 2013; M.E. Safar, 2013). MC ни эрта ташхислаш ва прогнозлашнинг асосий мезонлари такомиллаштирилмаган. Инсулинрезистентлик шароитида MCга олиб келувчи адренергик дисбаланс шаклланишига мувофиқлашувчи симпатик-адренал тизимнинг (CAT), сурункали фаоллашувига сабаб бўлувчи патогенетик аспекти етарлича ёритилмаган. Юрак ва қон томир ремоделланишининг (N.E. Straznicky, 2013), ИФР-1, нейтрофиллар аутоантитаначалари ва кардиомиоцитлар роли билан ўзаро боғлиқлиги аниқланмаган.

MC асосий компонентларига медикаментоз таъсир кўрсатиш масаласи доимий ўрганилишни талаб қилади (C.L. Chan, 2010; G. Mancía, 2012; E. Standl, 2012). И.Е. Чазова, В.Б. Мычка (2008) фикрларига кўра, MC гетероген ҳолати юрак-қон томир касалликлари ривожланишига катта хавф туғдиради. Шунга кўра, MC ташхисоти, комплекс давоси ва профилактикасини кенг кўламли тиббий амалиётда ўтказиш тавсия этилади. Профилактик дастур муваффақияти учун таълим дастурларига ва модификацияловчи хавф омилларининг замонавий таҳририни татбиқ этиш принципиал аҳамиятга эга (T. Sehestedt, 2010; E.E. Гогин, 2012; O.A. Кошельская, 2015). Республикамизда MC муаммолари бўйича У.К. Каюмов (2012), А.Л. Аляви (2008), Р.Д. Курбанов (2012), М.А. Хужамбердиев (2013) ва бошқалар илмий изланиш олиб бормокда.

Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, патогенез масалалари, медикаментоз даволаш самарадорлигини оширишнинг клиник хусусиятлари ва даволаш-реабилитация аспекти ҳозирга қадар мукамал ўрганилмаган. Метаболик синдром қайд этилган беморларда гипотензив, адипозга қарши воситалар ҳамда статинлар ёрдамидаги даволаш ва касалликларнинг олдини олишнинг профилактика тартибини такомиллаштириш масалалари ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Юрак-қон томир тизими касалликларида катехоламин ва липидлар метаболизми ҳамда аминоксидаза функцияси бузилиши» (2010-2013) ҳамда «Фарғона водийси аҳолиси ўртасида асосий юрак-қон томир ва сурункали ноинфекцион касалликларнинг профилактикаси, ташҳисоти, даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва эпидемиологияси тадқиқоти» (2014-2017) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади метаболик синдромнинг гетероген нейрогуморал механизмлари хусусиятларини, хасталикнинг клиник манифестациясини аниқлаган ҳолда эрта босқичли ташҳисот омилларини такомиллаштириш ва терапевтик даволаш йўллари мақбуллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёғ тўқимаси роли ва тана вазни, ёғ тўқимасининг тақсимланишига боғлиқ бўлган ҳолда гормонал бузилишлар (лептин, адипонектин)нинг намоён бўлишини баҳолаш, эркин лептин ва унинг рецепторлари миқдори билан боғлиқ лептинрезистентлик механизмларини аниқлаш;

катехоламиннинг (КА) суткалик экскрецияси даражасига кўра САС ҳолатини баҳолаш: адреналин (А), норадреналин (НА), дофамин (ДА) ва уларнинг дастлабки вакили ДОФА ҳамда МС қайд этилган беморларда моноаминоксидаза (МАО) биоген аминларининг дезаминлаш ферментини ва уларнинг ИР патогенезидаги аҳамиятини баҳолаш;

метаболик синдром мавжуд беморларда липид бузилишлар хусусиятларини, оксидланиш стресси ва антиоксидланиш ҳимоя асосларини аниқлаш, МСда КА метаболизми, шунингдек, эркин радикалли оксидланиш (ЛПО) жараёнлари ўзаро боғлиқлиги издан чиқиш сабабларини аниқлаш;

углевод алмашинуви хусусиятларини, метаболик параметрлар билан гипергликемия ва базал инсулинемиянинг ўзаро боғлиқлигини шарҳлаш ва инсулин боғлиқ рецепторларига антитаначалар билан боғланган ИР механизми таъсирини аниқлаш;

метаболик синдром қайд этилган беморларда қон томир девори яллиғланиш жараёни ривож ва гуморал маркерлар билан боғланган томирлар эндотелий дисфункциясининг (ЭД) ўзига хослигини аниқлаш, ИФР-1 ва нейтрофил аутоантитаначалар ANCA усулини ишлаб чиқиш;

метаболик синдром аниқланган беморларда чап қоринча (ЧҚ) миокарди тизимли-функционал ремоделланиши хусусиятлари ва бу жараёнда

кардиомиоцит аутоантитаначаси СОМ-02 ҳамда ИФР-1 вазифасини баҳолаш;
метаболик синдромнинг клиник намоён бўлиши вариантларини ва унга боғлиқ касалликларни баҳолаш, юқори хавф гуруҳига кирувчи МС учраган беморларни аниқлаш;

олинган тадқиқот натижалари асосида МС қайд этилган беморларда эрта босқичли ташхисот дастурини ва терапевтик тахрир йўлларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 30-70 ёшли 400 нафар бемор (95 нафари АГ билан, 99 нафари АГ+семизлик (С) билан, 206 нафар бемор МС билан) олинган.

Тадқиқотнинг предмети қон зардоби, кунлик сийдик миқдори, юрак ва томирлар ультратовуш текширувлари натижалари таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда сўров, клиник, параклиник, биокимёвий, иммунофермент, инструментал ва статистик таҳлил усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

метаболик синдром ривожланишининг асосий патогенетик механизмларининг ёғ тўқимаси секретор фаоллиги, нейрогуморал, адренергик, яллиғланиш механизмлари, юрак ва қон томирлар ремоделланиши билан ўзаро боғлиқлиги, ҳамда уларнинг МС авжланишида иштирок этиши даражаси аниқланган;

лептинрезистентликнинг эрта ривожланиш механизмига сабаб бўлувчи эркин лептиннинг юқори коэффиценти ва лептин рецепторларининг паст даражаси исботланган;

фермент каталитик хусусиятларини сифатли модификацияловчи ЛПО фаоллигининг кескин ортиши билан боғланган МАО даражасининг пасайиши билан уйғунлашувчи САТ фаоллигининг ортиши исботланган;

метаболик синдром қайд этилган беморларда ЭД ривожланиши эрта босқичида предикторлар сифатида юқори даражали ANCA антинеитрофил аутоантитаначаларнинг роли, шунингдек, юрак-қон томирлар эрта ремоделланишида ИФР-1 юқори даражасини таъсири аниқланган;

чап қоринча гипертрофияси эрта ривожланиши билан юракнинг ремоделланиши предиктори сана ва миокард дистрофияси жараёнларининг тезлигини оширувчи СОМ-02 кардиомиоцитлар аутоантитаначаларининг даражаси ортганлиги исботланган;

инсулин рецепторлари аутоантитаначалар томонидан содир этаётган блокадаси инсулинрезистентлик ривожланишининг механизмлари аниқланган;

артериал гипертофия, семизлик, дислипидемия билан МС аниқланган беморларни гипотензив, адипозга қарши ва гиполипидемик препаратлар билан даволаш тизими МС комплекс терапиясини такомиллаштиришга ёндашиш патогенетик жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

беморларнинг анкета маълумотлари, скрининг ва комплекс текширувларига асосан МСнинг эрта ташхисоти учун босқичли алгоритм ишлаб чиқилган;

ангиотензин-II рецепторлар блокаторлари (АРБII) (валсартан), I₁-имидазолин рецепторлар агонистлари (моксонидин), адипозга қарши препаратлар (орлистат), 4 генерация статинларни (розувастатин) қўллаш билан амалга ошириладиган терапия мониторинги ва касалликнинг клиник намоён бўлиши даражаси ҳамда мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда МС терапевтик коррекциясини такомиллаштириш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув, усул ва олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, турли усуллар ёрдамида метаболик синдромда клиник метаболик кўрсаткичларни ўзига хос характерли қонуниятларини аниқлашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти асосланган хулосалар ва таклифлар заминида олинган маълумотлар МСнинг патогенези гетерогенлиги механизмлари, нейрогуморал, адренергик дисбаланслар, АС параметрлари билан бошқарилган инсулинемиянинг прооксидантли роли, эндотелиал дисрегуляция, юрак ва қон томирлари ремоделланиши ривожланиши, ЮКТТ – ИФР-1, ANCA, СОМ-02 ларнинг касаллик предикторлари фаоллашуви билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг амалий аҳамияти клиник амалиётда метаболик синдромни даволаш жараёнида АРБ II ва имидазолин рецепторлари блокаторлари, адипозга қарши препаратлар, 4 генерация статинларини татбиқ этиш билан МС компонентлари – АГ, семизлик, ДЛПни самарали комплекс даволашда патогенетик ёндашувни оптимиллаштириш бўйича маслаҳатлар олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. МС патогенезининг нейрогуморал механизми ва терапевтик усуллари бўйича илмий-тадқиқотлар натижалари асосида:

орлистат препарати ёрдамида семизликнинг коррекция йўллари аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган «Метаболик синдромда ёғ тўқима фаоллигининг ортиши ва семириш коррекцияси» мавзусидаги услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил, 15 июндаги 8н/08-сон маълумотномаси). Олинган натижалар асосида орлистат препаратининг адипозга қарши ижобий самараси кўрсатилиб, семизлик даражаси ва унинг асоратлари камайиши имкони яратилган;

метаболик синдромдаги дислипидемияни мажмуавий терапияси бўйича ишлаб чиқилган «Метаболик синдромда дислипидемия коррекциясининг терапевтик имкониятлари» мавзусидаги услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил, 15 июндаги 8н/08-сон маълумотномаси). Олинган натижалар асосида статин 4-генерациясининг (розувастатин) даволаш жадвалига киритилиши ижобий самара бергани, ногиронлик ва юрак-қон томир асоратларидан ўлим ҳолатнинг камайиши аниқланган.

Метаболик синдром клиник манифестациясининг вариабиллигини аниқлаш, эрта босқичли ташхислаш омилларини такомиллаштириш ва терапевтик таҳлил қилиш усулларини мақбуллаштириш соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси, Андижон вилояти кўп тармоқли илмий маркази, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон, Наманган, Фарғона филиалларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 15 июндаги 8н/08-сон маълумотномаси). Олинган натижалар асосида МСни ўз вақтида ташхислаш, комплекс даволашнинг аниқ усулларини танлаш натижасида беморларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги муддатини 20,8 фоизга қисқартириш, дори-дармон билан даволаш нархини 21,0 фоизга камайтириш, соғломлаштириш чора-тадбирларининг самарадорлигини 2 баробарга ошириш, беморлар ҳаёт сифатига ижобий таъсир этиш имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 90 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 32 та мақола, жумладан, 29 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 194 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Метаболик синдром ҳақида замонавий тасаввурлар, патогенезда нейрогуморал механизмларнинг роли ва терапевтик тахрир имкониятлари**» деб номланган биринчи бобида метаболик синдромнинг патогенетик, клиник ва терапевтик йўналишлардаги муаммолари бўйича илмий маълумотлар берилган. МС ҳақидаги замонавий қарашлар, МС ташхисот мезонларининг шаклланиш эволюцияси, метаболик синдромда нейрогуморал ва иммун механизмлар патогенези ва ИР билан ўзаро муносабатларининг вазифаси ҳақидаги тасаввурлар, МС нинг асосий компонентлари терапевтик коррекция имкониятлари ёритилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг материаллари ва клиник-функционал, биокимёвий, иммунологик текшириш усуллари таҳлили» деб номланган иккинчи бобида қўлланилган материал ва тадқиқот олиб бориш услублари, фойдаланилган усуллар, шунингдек, олинган маълумотлари қайта ишларда қўлланилган статистик усуллари келтирилган.

2010-2013 йиллар давомида Андижон давлат тиббиёт институти клиникаларида стационар равишда даволаниб келган 400 нафар бемор текширув объектини ташкил этди, улардан 206 нафар МС, 99 нафар АГ+С, 95 нафар АГга чалинган беморлар, 58 нафар соғлом хоҳловчилар назорат гуруҳини ташкил этди. АГ клиник ташхиси – ESH/ESC (2013), семизлик – Халқаро Эндокринологлар Бирлашмаси (2010), МС – IDF (2005) мезонларида асосланди. Текширилган беморлар орасида 144 нафари (36,0%) эркаклар ва 256 нафари (64,0%) аёллар, МС гуруҳида 66,0% аёлларни ташкил этди. Текширилган беморлар 30-70 ёш орасида бўлиб, МС қайд этилган беморлар гуруҳларда 50-59 ёш – 45,1 % дан иборат. Барча гуруҳларда касаллик давомийлиги >10 йил (38,5%), МС беморлар гуруҳида 36,9% устунлик қилди.

МС клиник компонентларининг ўзаро боғлиқлиги қуйидагича: шундай қилиб, МС гуруҳида ИМТ 71,5% га, бел айланаси (БА) 35,0% га ортган. Семизлик даражалари бўйича ўртача кўрсаткич МС гуруҳида энг юқори бўлди (семизлик II даража – 42,4%). АБ даражаси назорат гуруҳидаги беморларда нормал кўрсаткичларга эгаллиги, МС беморлар гуруҳида эса САБ 41,6% ва ДАБ 39,2% га ортганлиги аниқланди. 140 (68,0%) МС беморларда ҚДнинг 2 тури аниқланди: ундан компенсация ҳолатида – 29,0%, субкомпенсацияда – 40,2%, декомпенсацияда – 30,8%. Стандарт перорал глюкозотолерантлик тести бўйича (ПГТТ) 40 нафар беморда (19,4%) НТГ ташхисланди. ИРИ даражаси >12,5 мкЕд/мл бўлганида, ГИ каби баҳоланди. НОМА индекси > 2,77 беморлар инсулинрезистентли деб ҳисобланди.


МС ўз клиник манифестациясига кўра бир неча вариантларда бўлиши мумкин. Биз МС клиник манифестациясининг 7 вариантини аниқладик. Бунда, МСнинг G.Reaven ёритган классик варианты АС+АГ+ГТБ+ГТГ+↓ЮЗЛП ХС фақат 14% беморда аниқланди. Булар қуйидаги вариантлар: 1) АС+АГ+ГТГ +↑ЭЁК+↓ЮЗЛП ХС – 45%; 2) АС+АГ+ ↑ПЗЛП ХС – 18%; 3) АС+АГ+ГТГ+↑ЭЁК+↓ЮЗЛП ХС+ГТБ – 14%; 4) АС+АГ+ ГТГ+↑ЭЁК+ГТБ – 7%; 5) АС+АГ+ ГТБ – 6%; 6) АС+АГ+ГТГ+↑ЭЁК+ЮЗЛП ХС – 5%; 7) АС+АГ+ГТГ+↑ЭЁК+↑ПЗЛП ХС+ГТБ – 5%. Бинобарин, клиник амалиётда МСнинг бошланғич клиник белгилари (манифестацияси) 7 варианты мавжудлигининг ўзи кўп ҳисобланади. Шунинг учун уларни 3 та катта гуруҳга бирлаштирдик: 1) АС+АГ+ ДЛП; 2) АС+АГ+ ГТБ; 3) АС+АГ+ДЛП +ГТБ. Ишонч билан айтиш мумкинки, МС нинг турли вариантларида ИРнинг ифодаланиш даражаси турлича: ўртачадан (АС+АГ+ДЛП бирлашмасида) то яққол ифодаланганлигигача (АС+АГ+ДЛП+ГТБ). МС хавфи юқори бўлган беморлар гуруҳи аниқланди. Булар: 1) семизлик билан хасталанган беморлар; 2) ГТБ беморлар; 3) ўртача АГли беморлар > 5 ёш; 4) ЮИК, турғун зўриқиш ва тинч ҳолатдаги стенокардияси, инфарктдан сўнгги кардиосклероз ва СЮЕ қайд этилган беморлар.

Тадқиқот натижаларининг статистик текшируви Statistica-6 стандарт

дастури ёрдамида материалларнинг статистик қайта ишлови ўтказилган. Ягона омилли ва кўп омилли дисперсион, регрессион, корреляцион таҳлиллардан кўрсаткичлари ўртасидаги алоқадорлик кучларини аниқлаш учун фойдаланилди. Пирсоннинг χ^2 чизиқли корреляция коэффициенти ва Спирменнинг рангга оид корреляциясининг нопараметрик коэффициентидан фойдаланилган. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ишончилигини баҳолаш учун Манн-Уитни мезонларидан фойдаланилди. Барча тадқиқотлар Хельсинки Декларацияси Асослари ва клиник амалиёт стандартларига (Good Clinical Practice) мувофиқ ўтказилган.

Диссертациянинг «**Метаболик синдром ривожланишининг патогенетик механизмлари**» деб номланган учинчи бобида МС патогенезининг нейрогуморал механизмлари текширув натижалари келтирилган.

Ёғ тўқима гормонлари лептин ва адипонектинни ўрганиш кўрсатдики, Лнинг ўртача миқдори АГ+С гуруҳида 68,2% га, МС гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 2,76 мартага ортиб боради (1-расм).



1-расм. АГ, АГ+С ва МС беморларда лептин, адипонектин, Л-ОВ-R рецепторлар, Л коэффициенти ва Anti Rec Ins миқдори

Бунда Л даражаси эркакларда аёлларга нисбатан 11,1% га паст. Шунингдек, менопаузал даврдаги аёлларда репродуктив даврга нисбатан 14,7% га юқори бўлган. Л даражасининг корреляцион ўзаро боғлиқлиги шуни кўрсатдики, жинс бўйича энг кучли ўзаро боғлиқлик эркак ва аёлларда ТВИ билан боғлиқлиги аниқланган ($r=0,8190$; $p=0,0001$; $r=0,6017$, $p=0,0001$), ОТ ($r=0,6331$; $p=0,0001$; $r=0,5132$; $p=0,0001$) ва САБ ($r=0,6002$; $p=0,0001$; $r=0,5732$; $p=0,0001$); ДАБ ва ЧҚИММ билан фақат аёлларда. Л даражаси қатор липид кўрсаткичлари билан: аёлларда ТГ, УХС билан; эркакларда – ТГ, ЮЗЛП ХС билан мусбат корреляцияси аниқланган; САТ кўрсаткичлари билан Л даражаси – А, НА ва МАО манфий даражаси билан белгиланади: ИРИ ($r=0,7517$; $p=0,0001$), НОМА индекси ($r=0,6491$; $p=0,0001$) мусбат боғлиқлиги ишончли тарзда аниқланди.

Демак, термогенез ва иштаха бошқарувида қатнашувчи гормон сифатида баҳоланувчи лептин МСда ИР синдроми таркибидаги метаболик ва гормонал бузилишлар оғирлигини тўлиқ акс эттиради ва МСнинг кўп

метаболик кўринишлари билан ўзаро боғланган ва организмга қатор таъсирлар кўрсатади.

Л ва унинг эрувчан рецептори-ОВ-R ўзаро муносабатини ўрганиш шуни кўрсатдики, МС билан беморларда Л-ОВ-R эрувчан рецепторлар даражаси назорат гуруҳига нисбатан 2,43 баробарга сезиларли равишда пасаяди (1-расм).

Лептиннинг таъсир механизмлари ўрганиши учун ва ЛР механизмларини аниқлаш мақсадида илк бор «эркин лептин коэффиценти – Л коэф.» тушунчаси киритилди. Бизнинг тадқиқотларда Л коэф. назорат гуруҳига нисбатан 5,43 баробарга ортган (1-расм). Л-ОВ-R рецепторлари ва Л коэф. корреляцион ўзаро боғлиқлиги клиник метаболик кўрсаткичлар билан аниқланди: бунда Л-ОВ-R рецепторлари ИРИ ($r=-0,7585$; $p=0,0001$), НОМА индекси ($r=-0,6957$; $p=0,0001$) билан манфий ўзаро муносабати аниқланган. Л коэф., аксинча, ИРИ ($r=0,8531$; $p=0,0001$), НОМА индекси ($r=0,7245$; $p=0,0001$) билан мусбат корреляцияда тутилган. Л коэффиценти антропометрик кўрсаткичлари билан, кейин эса Л-ОВ-R рецепторлари ва Л билан яққол боғланганлиги аниқланди. Л-ОВ-R рецепторлари билан ТВИ, ОТнинг аҳамиятли манфий муносабатлари белгиланди.

Шундай қилиб, МСда Л ва инсулин ўртасида лептинрезистентлик феномени орқали маълум бир қийматда зич боғлиқлик кузатилди. Бизнинг фикримизча, ЛР механизми сабаблари: 1) Л тўйинганлик ҳақидаги сигнал жўнатилмай ва гематоэнцефалик барьер орқали унинг ўтиши бузилганида, қонда боғланмаган Л даражаси ортганида, эркин Л коэффицентининг кескин ортиши; 2) Лнинг тана вазнига модуловчи таъсири ва унинг гормонал самарадорлигига сезирлик йўқолиши ҳолатдаги рецЛ-ОВ-R миқдорининг кескин камайиши. Л коэффиценти Л ва рецЛ-ОВ-R га нисбатан жуда нозик кўрсаткичдир. Унинг эрта ва тез ортиши, ЛР нинг латент ривожини бошланганидан далолат беради.


ИРнинг имкониятли механизмларидан бирини аниқлаш мақсадида, МС беморларда қон зардобида Anti Rec Ins миқдорини текширдик. 78% МС беморлардан Anti Rec Ins даражаси назорат гуруҳига нисбатан 2,44 баробар ортган (1-расм). Антитаначаларининг ортган даражаси ИРИ даражаси ($r=0,7625$; $p=0,0001$), лептин даражаси ($r=0,6143$; $p=0,0001$), оч коринга глюкоза (ГН) даражаси ($r=0,6947$; $p=0,0001$) ўзаро боғланишларида мусбат корреляциясига эгаллиги аниқланган. Шундай қилиб, Anti Rec Ins даражасининг ортганлиги МС беморларда ИР ривожининг механизмларидан бири ҳисобланади. Антитаначалар даражасининг ортганлиги биокимёвий эффектларнинг блокловчи эффектига жавобгар рецепторнинг маълум бир структураси билан амалга ошади.

АН миқдорининг АГ, АГ+С ва МС беморларда солиштирма миқдори шуни кўрсатдики, МСда АН даражаси сезиларли пасаяди (46,2%) (1-расм). АН паст даражали беморлар гуруҳида эркаклар кўпчилиқни ташкил этади. АН даражаси билан ёш, ТВИ, САБ, ДАБ, ЮҚЧ манфий боғлиқликка эга; глюкоза даражаси билан, базал инсулин ($r=-0,7904$; $p=0,0001$), НОМА индекси ($r=-0,6269$; $p=0,0001$); УХС, ТГ ($r=-0,7214$; $p=0,0001$), ПЗЛП ХС манфий корреляцион боғлиқлик концентрациялари аниқланди; САТ – А, НА

кўрсаткичлари ўртасида манфий ва MAO ва ЮЗЛП ХС билан мусбат боғлиқлик аниқланди. Регрессион таҳлил ўтказиш шуни кўрсатдики, фақат 3 компонент АН билан юқори корелляцион боғлиқликни беради. Бу ИРИ ($r=-0,7904$; $p=0,0001$), ТВИ ($r=-0,7723$; $p=0,0001$), ТГ ($r=-0,7214$; $p=0,0001$).

МС ривожланишида, ИР авж олишида ва у билан боғлиқ бўлган метаболик бузилишларда, САТ фаоллиги ўзгариши билан нейрогуморал бузилишлар муҳим рол ўйнайди.

АГ беморларда КА ва ДОФАнинг суткалик экскрециясини назорат гуруҳига нисбатан А экскрециясининг 2,1 баробар; АГ+С да 2,2 баробар ортиши; энг юқори МС кузатилган беморларда 2,63 баробаргача ортиши аниқланди (2-расм). НА суткалик экскрецияси ортган: НА даражаси АГ беморларда назорат гуруҳига нисбатан 2,6 баробар, АГ+С – беморларда назорат гуруҳига нисбатан 3,2 баробар ортиқ ва МС гуруҳидаги беморларда НА умумий кўрсаткичи бошқа биоген аминлар гуруҳига нисбатан юқори даражада ортиши билан кўринди ва назорат гуруҳига нисбатан 3,51 мартага ортиганлиги намоён бўлди (2-расм).



2-расм. Метаболик синдром беморларда КА суткалик экскрецияси кўрсаткичлари


МС беморларда САТ фаоллашишида инсулинемия аҳамияти ҳақидаги маълумотлар тасдиқланди. НА суткалик экскрецияси билан ГИ ($r=0,5739$; $p=0,0001$), НА билан ТВИ ($r=0,7374$; $p=0,0001$), ОТ ($r=0,6523$; $p=0,0001$), бундан ташқари, НА кундалик экскрецияси билан САБ ($r=0,5327$; $p=0,0001$) ва ДАБ ($r=0,3903$; $p=0,0001$) бевосита корреляцион боғлиқлик аниқланди. НА билан липид маркерлари: УХС, ТГ, ЭЁК, оксидланиш стресси – ЛПО ва АОХ ўзаро боғлиқлиги аниқланди.

MAO фаоллик даражаси аниқланиши шуни кўрсатдики, суткалик сийдикда КА концентрациясининг параллел ортиши билан, барча гуруҳ беморларда MAO кўрсаткичлари сезиларли пасайиши кузатилган: ўртача даражадан бошлаб, кескин ифодаланишигача (МС гуруҳида – 5,14 мартага). МС беморларда MAO билан НА ($r=-0,5125$; $p=0,0001$) ва А ($r=-0,4249$; $p=0,0001$) суткалик экскрецияси билан манфий корреляцияси аниқланди. MAO даражасининг кескин пасайиши шу билан тушунтириладики, МС беморларда сийдикда КА даражаси ортишига қарамасдан,

адренорецепторлар блокраниши белгиланади, бу эса, ўз навбатида, ферментининг каталитик фаоллигининг пасайиши билан MAO фаоллигининг пасайиши белгиланади.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотларда САТ функционал фаоллигининг ортиши, айниқса НА ва А МС қайд этилган беморларда аниқланди. САТ фаоллигининг ортиши MAO дезаминланиши асос ферментининг кескин пасайиши, унинг каталитик хусусиятларининг ўзгариши билан биргаликда кечади. Олинган маълумотлар гувоҳлик берадики, МС беморларда ГИ симпатик нерв системаси (СНС) фаоллигининг ва, биринчи навбатда, САТнинг сезиларли ўсишига олиб келади. ИР шароитида бу буйрак, томир ва юракларнинг симпатик стимуляцияси ҳисобига АГ пайдо бўлишига ва МС ривожланишига олиб келади.

Липид-липопротеин биомаркерларининг текширувида МС қайд этилган беморларда турли даражада ифодаланган дислипидемия аниқланди (3-расм).



3-расм. АГ, АГ+С, МС мавжуд беморларда липид-липопротеин маркерлари

Биз 90,0% беморларда гиперхолестеринемияни аниқладик. МС кузатилган беморларда УХС ўртача даражаси назорат гуруҳига нисбатан 2,01 мартага юқорилиги аниқланди. Бундан ташқари, ХСнинг энг агрессив фракцияси – томирлар атеросклеротик ўзгаришига детерминатив таъсир кўрсатувчи ХС ПЗЛП даражасининг ортиши назорат гуруҳига нисбатан 2,95 марта юқори бўлган. 90,2% МС беморларда ЮЗЛП ХС даражаси 0,92 ммол/л дан паст бўлди.

ТГ миқдорининг қонда кўрсаткичларга нисбатан юқори бўлиши МСнинг асосий клиник кўринишлари ифодаланишини кўрсатади. МС беморларнинг 92,5% да ГТГ аниқланди, МС мавжуд беморларда ТГнинг ўртача даражаси назорат гуруҳига нисбатан 2,95 марта юқори бўлган. Шундай қилиб, МС кузатилган беморларда ГТГ аниқланишини қон плазмасидаги юқори атероген потенциал индикатори сифатида қабул этиш мумкин.

Спирменнинг ранг корреляцион таҳлили айнан ТГ ягона липид кўрсаткичи бўлиб, у МС қайд этилган беморларда кўплаб клиник ва

биокимёвий параметрлар билан чуқур боғлиқлигини кўрсатади. ТГ ва МСнинг клиник характеристикалари орасида ўзаро муҳим корреляцион боғлиқлик аниқланди: ТВИ ($r=0,4933$; $p=0,0001$), ОТ ($r=0,4871$; $p=0,0001$), ДАБ ($r=0,3093$; $p=0,0105$), оч қоринга гликемия даражаси ($r=0,2193$; $p=0,0105$), НОМА индексида ($r=0,4966$; $p=0,0001$) ва ИРИда ($r=0,4415$; $p=0,0001$).

МС беморларда ТГ даражаси гуруҳ бўйича $>2,3$ ммоль/л ни ташкил этганлиги учун, но-ЮЗЛП ХС даражаси аниқланди. Бизнинг тадқиқотда у $7,33\pm 1,22$ ммоль/л ни ташкил этиб, назорат гуруҳида бу кўрсаткич $2,56$ мартага ортди. МС ривожланишида эркин ёғ кислоталарнинг (ЭЁК) муҳим ролига эътибор қаратилади. МС беморларда ЭЁК даражаси назорат гуруҳига нисбатан сезиларли ($2,54$ марта) юқори бўлган (3-расм).

МС беморларда ЛПО жараёнлари фаоллигининг ортиши малон диальдегид (МДА) пероксидланиши якуний маҳсулотларининг қон плазмасида $2,74$ марта ортиши билан намоён бўлади, антирадикал потенциал эса асосий ферменти каталаза (КАТ) фаоллиги бўйича $2,24$ марта пасайган. Шунингдек, МС беморларда ЛПО жараёни фаоллигининг ортиши фонида, каталаза даражаси бўйича, ҳужайравий антиоксидланиш потенциали пасайиши кузатилади. САТ ва ЛПО ўртасида бевосита корреляцион алоқа аниқланди. ЛПО фаоллиги ортиши билан САТ ва, айниқса, НА ($r=0,6349$; $p=0,0001$) ва А ($r=0,4742$; $p=0,0001$) фаоллиги ортади. ЛПО маҳсулотларини МДА билан солиштиришда аниқландики, ЛПО миқдори ортиши билан параллел равишда MAO даражаси пасаяди. ЛПО ва MAO фаоллиги ($r=-0,6638$; $p=0,0001$) ўртасида тесқари корреляцион алоқа аниқланди. Бу МС беморларда патологик жараёнларнинг чуқурлашиб бориши ҳақида хулосага олиб келади. Тахминан, MAO фаоллигининг пасайишини иницирловчи омил ЛПО маҳсулотларининг ортиқча тўпланиши ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, қўшма патология шароитида MAO фаоллигининг сифатли модифицирланиши алоҳида ўрин тутади, бунга эса ЛПО жараёни стимуляцияси сабаб ҳисобланади.

Шундай қилиб, беморларда МС қон плазмасининг липид-липопротеинли биомаркерларининг бузилиши билан биргаликда кечади: ПЗЛП ХС, ТГ, но-ЮЗЛП ХС, ЭЁК, УХС ортиши, ЮЗЛП ХС пасайиши кузатилади. Қон плазмасида ТГ миқдори кўплиги бошқа кўрсаткичларга нисбатан МС нинг асосий клиник ифодаланиши: ТМИ, АС, АГ ва углевод алмашинуви декомпенсациясини акс эттиради. МС беморларда ГТГ энг кўп даражада липид алмашинуви бузилишлари ПЗЛП ХС, но-ЮЗЛП ХС, УХС ва ЭЁК билан қўшилади. МС беморларда ПЗЛП ХС, ТГ, но-ЮЗЛП ХС ва ЭЁК миқдорининг ортиши қон плазмаси юқори атероген потенциалининг индикатори сифатида қабул этилиши мумкин. Организмда ЛПО жараёни ривожланиши ва АОХ пасайиши билан липид биомаркерлари дисфункцияси оксидланиш стресси маркерларини фаоллаштиради. МС шароитида MAO фаоллигининг сифат янги модификацияланиши ўрин топади, бунинг сабаби – ЛПО жараёнлари стимуляцияси ҳисобланади.

Атеротромбоз авж олиши жараёнида МСнинг асосий патогенетик ҳалқаси – гиперинсулинемия, муҳим ахамиятга эга. Инсулинемиянинг

имкониятли патогенетик механизмларининг ўзаро боғлиқлиларида бемор ёши, жинси, АС даражаси ва томирлар атеросклеротик ўзгаришлари жараёнининг тезлиги катта аҳамиятга эга.

МС эркакларда БИ аниқланишида, унинг даражаси назорат ўлчовларидан 4 баробар ортган, бу – гиперинсулинемия бошланиши тасдиғи; МС аёлларда эса БИ кўрсаткичлари камроқ, яъни 3,03 баробарга ортди. БИнинг МС компонентлари билан ўзаро алоқаси таҳлил қилинганда маълум бўлдики, эркакларда аёлларга нисбатан САБ аналогик даражаси фонида, АГ узок давомийлигида ($9,46 \pm 0,81$ ва $2,94 \pm 0,27$ йил) ишончли даражада ДАБ ортиши ($102,17 \pm 1,40$ ва $96,78 \pm 2,09$ мм с.у. мувофик) кузатилган. Эркак ва аёллар метаболик параметрларининг (ТВИ, ГН, ГХС) солиштирувида АС, ТГ, ПЗЛП ХС тўпланиш даражаси ишончли фарқланган. МИ мавжуд эркаклар БИ даражаси корреляцион таҳлилда антропометрик параметрларнинг β -хужайралар функционал ҳолатига таъсири $\text{TВИ} \geq 27$ кг/м² ($r=0,3244$; $p=0,0103$) қийматига тенглигида таъсирини ўтказиши кузатилади. Бир вақтнинг ўзида, инсулинемия БИ 14 мкЕд/мл ($r=0,3026$; $p=0,0105$) ва ундан юқори миқдорда ТВИга ишончли таъсир ўтказганлигини кўрсатди. Бу ГИнинг ТВИ билан ўзаро муносабатидаги катта аҳамияти ҳақида гувоҳлик беради.

МС эркакларда МДА концентрацияси назорат кўрсаткичидан 2,82 мартага ортган. МС аёлларда ва соғлом мидозларда МДА даражаси юқори бўлмаган. Аммо МДА билан ИРИ корреляция даражалари ҳам эркакларда ($r=0,3522$; $p=0,0021$), ҳам аёлларда ($r=0,5031$; $p=0,0001$), ГИ (≥ 16 мкЕд/мл) ишончли, мазкур алоқа ГИ, шароитида муҳим аҳамиятга эга бўлган. МДА даражаси эркакларда ОТ ($r=0,4342$; $p=0,0005$) билан корреляция қилинган, аёлларда бу алоқа йўқлиги аниқланди. МСда каталаза даражаси кескин пасайган, эркакларда эса, аёлларга нисбатан ($p < 0,05$), бу янада аниқроқ ифодаланган. КАТ даражаси билан инсулин қайта корреляцион алоқаси эркакларда ҳам ($r=-0,3422$, $p=0,0001$), аёлларда ҳам ($r=-0,3047$; $p=0,0105$) белгиланди. Бу шароитда ГИ ($>14,0$ мкЕд/мл) қайтар алоқаси энг аҳамиятли бўлган. КАТ концентрацияси ОТ билан эркакларда ҳам ($r=-0,3450$; $p=0,0001$), аёлларда ҳам ($r=-0,3264$; $p=0,0015$) тесқари корреляцияда бўлганлиги аниқланди. Эркакларда регрессион таҳлилда БИнинг антропометрик параметрлари билан ўзаро муносабатида етакчи роли аниқланди. Эркакларда БИ билан ОТнинг ($r=0,6634$; $p=0,0001$) энг зич ишончли корреляцияси ТВИ ($r=0,3417$; $p=0,0001$)га нисбатан ва аёлларда БИ билан ОТ ($r=0,4038$; $p=0,0203$) АС параметрлари аҳамиятини акс эттирувчи МС клиник маркери ҳисобланади. Айнан АС билан боғлиқ МС учун характерли ДЛП кўрсаткичлари: ГТГ, ЮЗЛП ХС даражалари пасайиши характерли. Шунинг учун эркакларда БИ билан ДЛП параметрлари корреляцион боғлар айнан шу тартибда кўринади: инсулинемиянинг 12 мкЕд/мл ва ундан юқори даражасида ($p < 0,05$) ва у билан боғлиқ ТГда ($r=0,2917$, $p=0,0415$) ишончли сақланади БИ 17 мкЕд/мл ва ундан юқори бўлганда – ЮЗЛП ХС ($r=-0,3004$, $p=0,0132$) билан тесқари алоқада бўлади.

Олинган маълумотлар жинсга боғлиқ бўлган ҳолда АС параметрлари билан модуланувчи, МСдаги инсулинемиянинг прооксидант ролининг

эхтимолли механизмларини акс эттиради. Жинсий тафовутлар мавжудлиги, қон томирларга инсулин таъсири остида, эркакларда ГИ ва ЮТК ўртасида энг зич алоқа бўлганлигини тушунтиради.

Маълумки, ёғ тўқима ауто-, пара- ва эндокрин функциясини бажаради ва кўп миқдорда, жумладан, иммун реакция ривожланишига кўмак берувчи цитокинлар секрециясини амалга оширади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, МС беморларда про- ва яллиғланишга қарши цитокинлар дисбаланси аниқланган: ИЛ-6 – кескин (3,94 мартагача) ортди, ортиши ФНО-а да кузатилган МС беморларда 4,62 мартага, ИЛ-10 МС беморлар каби (1,92 мартага), назорат гуруҳига нисбатан ўртача ортди. ИЛ-10 дисбаланси организмнинг сурункали яллиғланиш жараёнига турли иммунологик жавоб билан боғланган бўлиши мумкин. Клиник кўрсаткичларда ИЛ-6 ва ТВИ ($r=0,6719$; $p=0,0001$), ОТ, ортган даражада САБ ($r=0,4746$; $p=0,0001$); ўртасидаги бевосита боғлиқлик аниқланди. Бундан ташқари, ИЛ-6 билан ортган суткалик экскрецияда НА ва А, фибриноген ($r=0,5507$; $p=0,0001$); ўзаро мусбат корреляцион боғлиқлиги аниқланди. Шуни таъкидлаш лозимки, ИЛ-6 ва юсСРО ($r=0,7504$; $p=0,0001$) ўртасидаги юқори корреляцион даражани белгилаш зарур.

